

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга 3 октябрь куни расмий ташриф билан Будапештга келди.

Ференц Лист номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан Ўзбекистон ва Венгрия байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди. Мамлакатимиз етакчисини Венгрия иқтисодий ривожланиш вазири Мартон Надь ва бошқа расмий шахслар қутиб олди. Саммитнинг асосий тадбирлари 4 октябрь кунига мўлжалланган. Венгрия Президенти Каталин Новак билан учрашув бўлиб ўтади. Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан тор доирада ва кенгайтирилган таркибда учрашув ўтказадилар. Якунда икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўлаими имзоланиши кутилмоқда.

Президентимизнинг ташрифи доирасида Венгриянинг етакли компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ҳам кўзда тутилган.

Ў.А.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон — Венгрия: ЧУҚУР ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Венгрияда бўлиб турибди. Венгрия Ўзбекистоннинг стратегик шериги. Ушбу ташриф жорий йилда 30 йиллиги нишонланадиган икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги босқични бошлаши кутилмоқда.

Замонавий йўналишда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Бунга сўнгги йилларда ўрнатилган олий даражадаги сиёсий мулоқотлар кўмаклашмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил октябрь ойида Боку шаҳрида (Озарбайжон) бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашган эди. 2021 йил 29-30 март кунлари Венгрия Бош вазири Виктор Орбан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган ва унинг якунлари бўйича 10 дан ортиқ икки томонлама ҳужжатлар имзоланган эди.

Экспертларнинг баҳолашларича, Тошкентда ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Венгрия саммити ўз аҳамияти ва муваффақиятли натижалари билан тарихий воқеа ҳисобланади. Икки давлат раҳбарларининг музокаралари тўла қамровли давлатлараро мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Шу тариқа Венгрия Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни сиёсий жиҳатдан энг юқори даражага олиб чиққан биринчи мамлакат бўлди.

Венгрия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида унга 30 дан ортиқ йирик миллий компаниялар вакиллари ҳамроҳлик қилди. Улар Қўшма ишбилармонлик кенгашининг биринчи ййгилишида иштирок этди, икки томонлама музокаралар ўтказди.

Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларга янги туртки берди. Муҳим битимлар минтақалараро ҳамкорлик, ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, инновацион ривожланиш, ирригация ва сув ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик масалаларидаги режаларни белгилаб берди.

Икки давлат етакчиларининг мунтазам равишда телефон орқали мулоқотлари асосида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, эришилган келишувларни амалга оширишнинг бориши, кооперация лойиҳаларининг ҳаётга таътиб этилиши масалалари муҳокама қилинмоқда, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилмоқда.

Олий даражадаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди, парламентлараро ришталар изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат вакиллик органларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида конструктив ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Бугунги кунга қадар вазирликлараро сиёсий маслаҳатлашувларнинг тўрт давраси бўлиб ўтди. 2016 йилдан буюн Тошкентда Венгрия элчихонаси фаолият юритиб келмоқда, мамлакатимизнинг Венадаги дипломатия миссияси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистоннинг Венгриядаги манфаатларини ифода этмоқда.

➡ 2

Эксклюзив интервью

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЗОКАРАЛАР УЗОҚ МУДДАТЛИ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шу йилнинг 3 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи бошланди. Мамлакатимизнинг Венгриядаги элчиси Абат Файзуллаев “Дунё” ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда Ўзбекистон — Венгрия муносабатларининг бугунги ҳолати ва ташрифдан қандай натижалар кутилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистон ва Венгрия стратегик шериклардир. Ўзаро муносабатлар ривожланишининг бугунги даражаси ва уларнинг истиқболлари қандай?

— Тўғри айтдингиз, Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Тегишли қўшма декларация Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг 2021 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган эди. Венгрия бизнеснинг Европадаги ўта муҳим стратегик шеригимиздир.

Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланади. Ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш учун Ўзбекистон Президенти икки томонлама ҳамкорлиқнинг замонавий тарихида илк бор Ўзбекистоннинг Венгриядаги Фавқулодда ва муҳтор элчисини (қароргоҳи — Вена шаҳрида) тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу йил 17 август куни Венгрия Президенти Каталина Новакка ишонч ёрликларини тақдим этиш шарафига мюссар бўлдим. У Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга юксак баҳо берди. Венгрия Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали алоқаларни томонларда қизиқиш уйғотадиган барча соҳада янада мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

Бугунги кунда сиёсий мулоқотлар изчил ривожланмоқда. Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ўтган йили март ойида расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Жорий йил 14 апрель куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

➡ 2

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда геосиёсий зиддиятлардан холи муносабатлар тизими ҳар томонлама зарур. Эеро, жаҳон таърибаси шуни кўрсатадики, барча соҳадаги ҳамкорлик ва дўстона алоқалар барқарор тинчлик ва тараққиётнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўзаро дўстлик, давлатлараро иқтисодий шериклик, ижтимоий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилиши, цивилизациялараро мулоқот умумий хавфсизлик ва барқарор ривожланишнинг муҳим шартидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга ташрифи замирида ҳам ана шундай муҳим мақсадлар муҳассамлашган. Замонавий босқичда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва Венгрия муносабатларида муҳим давр бошланди. Худди шу йили Тошкентда Венгрия элчихонаси фаолияти йўлга қўйилди.

➡ 2

■ Нуқтаи назар

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ҳаётий муҳим масала

Президент Шавкат Мирзиёев деярли ҳар бир чиқишида, йирик халқаро ва минтақавий тадбирларда ҳам жаҳон жамоатчилиги эътиборини озиқ-овқат хавфсизлигига қаратаётгани бежиз эмас. ШХТнинг Самарқанд саммити ҳам бундан мустасно бўлмади. Ушбу тадбирда Шавкат Мирзиёев “Мамлакатларимиз кишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШХТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмадик. Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўишимиз керак”, дея таъкидлади.

4-саҳифага қаранг. ➡



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 ноябрдан бошлаб**: бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг **5 фоизидан ошмаган тақдирда мuddати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди** ва тадбиркорлик субъектига нисбатан **жарима қўлланилмайди**;

экспорт қилувчи ташкилотларга **фойда солиғи** ва **айланмадан олинадиган солиқ бўйича** солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишидаги имтиёзлар товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумдаги **экспорт ҳажмининг улушидан қатъи назар** қўлланилади;

ковун (ТИФ ТН коди 1207 70 000 0), **канақунжут** (ТИФ ТН коди 1207 30 000 0), **хантал** (ТИФ ТН кодлари 1207 50 100 0, 1207 50 900 0) ва **максар** (ТИФ ТН коди 1207 60 000 0) **уруғлари экспортга рухсат берилади**.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг экспортчи корхоналарни очик танлов орқали саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича **“Янги Ўзбекистон — рақобатбардosh маҳсулотлар юрти” дастури**ни (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Бунда Дастур доирасида экспортчи корхоналарни саралаб олиш кўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

экспортчи корхоналар юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳамда камида **сўнгги икки йил давомида фаолият юритаётган бўлиши**;

охирги 12 ой мобайнида экспорт қилинган тайёр маҳсулот суммаси **1 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлиши**;

умумий тушум ҳажмида **экспортдан тушум улуши 30 фоиздан юқори бўлиши**;

экспортга чиқарилаётган **тайёр маҳсулотлар тури 2 тадан ортиқ бўлиши**;

охирги 12 ой мобайнида **экспорт географияси**, қўшни давлатларни инобатга олмаган ҳолда, **2 та мамлакатдан ортиқ бўлиши**;

охирги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмида **мuddати ўтган дебитор қарздорлигининг улуши 5 фоиздан кам бўлиши**.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги корхоналар рўйхати мазкур мезонларга мувофиқ Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ягона порталида (www.exporthportal.uz) онлайн тартибда автоматик тарзда рейтинг асосида шакллантирилиши ва **ҳар 6 ой мобайнида янгиланб борилишини таъминласин**.

3. Қўйидагилар:

а) Дастурининг босқичма-босқич **200 та** (рейтинг асосида биринчи босқичда 50 та, 2023 йил 1 январдан бошлаб 100 та, 2023 йил 1 июлдан бошлаб 200 та) **экспортчи корхоналарни қўшимча қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш** орқали амалга оширилиши;

б) Дастурга киритилган экспортчи корхоналар: экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширганда ноль даражали қўйилган қиймат солиғи ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг ошиб кетган қисми уларнинг мурожаатига асосан **тезлаштирилган тартибда 7 кун ичида тўлиқ қайтариб берилиши**;

айланма маблағларини тўлдириш учун кредит олишида тижорат банкларига **экспорт шартномаларини гаров таъминоти сифатида қабул қилиш тасвია этилиши**;

Экспортни қўллаб-қувватлаш жағрамаси ҳисобидан экспортдоли ва экспорт билан боғлиқ **савдо операцияларини молиялаштириш** учун охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмида келиб чиққан ҳолда:

экспорт ҳажми 1 миллион доллардан 5 миллион долларгача бўлганда — **1 миллион** долларгача;

экспорт ҳажми 5 миллион доллардан 10 миллион долларгача бўлганда — **2 миллион** долларгача;

экспорт ҳажми 10 миллион доллардан 15 миллион долларгача бўлганда — **3 миллион** долларгача;

экспорт ҳажми 15 миллион доллардан 20 миллион долларгача бўлганда — **4 миллион** долларгача;

экспорт ҳажми 20 миллион доллардан ортиқ бўлганда — **5 миллион** долларгача **миқдорларда молиявий ресурслар ажратилиши**;

битта халқаро стандартни жорий қилиш ва сертификатни олиши учун уларга **30 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда молиявий ёрдам тақдим этилиши**;

бизнес жараёнлар, экспорт ҳажмини ошириш ва маркетинг тадқиқотларини амалга ошириши учун **хорижий маслаҳатчилар жалб қилиниши белгилаш қўйилсин**.

4. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 ноябрга қадар** республиканинг ҳар бир ҳудудидан энг салоҳиятли 100 та маҳаллий корхонанинг ташқи бозорларга чиқишига йўл очиб бериш мақсадида **“тадбиркордан — экспортёргача”** тамойили асосида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда унинг ижросини назорат қилиб бурсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгариштирилган киритилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда**: Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқсин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиغان ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон — Венгрия:

ЧУҚУР ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

◀1 Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийярто Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрди, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинди, муҳим икки томонлама ва кўп томонлама тadbирларда иштирок этди.

Жорий йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессияси доирасида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Владимир Норов ва Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийярто ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Венгрия раҳбарларининг ўзаро ташрифлари якунлари бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича томонларнинг муштарак соддиқлиги тасдиқланди.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Венгрия БМТ, ЕХТҲ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро институтлар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилаётганини қайд этиш ўринлидир. Мамлакатларимизнинг глобал кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича нуктаи назарлари яқин еки бир-бирига мос келади. Томонлар халқаро ташаббусларни илгари суришда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватламоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқда энг қулай савдо режими ўрнатилган. Сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон — Венгрия савдо айланмаси ҳажми 2,5 бара-варга ошди, ҳатто 2020-2021 йил-ларда ҳам пандемиянинг салбий оқибатларига қарамасдан бу бора-да ўсиш кузатилди. Шу тариқа 2021 йил охирига келиб мамлакат-ларимиз ўртасидаги товар айлан-маси 114 миллион АҚШ доллари-дан ошди, жорий йилнинг олти ойи мобайнида эса қарийб 50 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда Венгрия сармоя-дорлари иштирокида очилган 10 та корхона фаолият кўрсатмоқда, уларнинг олтитаси қўшма корхона, турттаси яқка тартибдаги корхона ҳисобланади.

2013 йилдан буён Иқтисодий ҳам-корлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматлараро комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Унинг еттинчи йигили-ши шу йил 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Йигилиш даво-мида сармоявий, саноат, савдо-иқти-содий, банк-молия, маданий-гумани-тар соҳалардаги ҳамкорлиқни янада

ривожлантириш масалалари кўриб чи-қилди ва келишиб олинди.

Хар икки давлатнинг умумий қизи-қиш касб этадиган соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўламлари-ни изчил кенгайтиришга бўлган инти-лишлари ўзгармасдир. Ўзбекистон ва Венгрия бозорлар ва савдо оқимла-рини диверсификация қилиш, кимё, озик-овқат, машинасозлик, фармацев-тика ва тўқимачилик саноати махсу-лотларини етказиб бериш ҳамжам-лини кўпайтириш учун салмоқли сало-ҳиятга эга. Томонлар инвестиция, савдо, туризм, молиявий-техникавий, маданий-гуманитар ва минтақалараро ҳамкорлик соҳаларида ўзаро шерик-лиқни мустақамлашга тайёрдир.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Вен-грия Ўзбекистондаги бизнес фаоли-яти қўламлари-ни кенгайтиришдан ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг қатор тармоқларида мавжуд бўлган салмоқли саноат салоҳиятидан ман-фаатдор. Бугунги кунга қадар юқори қўшимча қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқариш ва келажақда уларни учинчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш мақсадида юқори те-хнологияга асосланган ишлаб чиқа-ришлари яратишга қаратилган қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга

ошириш бўйича дастлабки келишув-ларга эришилди.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида-ги илмий-маърифий, маданий-гума-нитар алмашувлар тобора кенгаймоқ-да. Икки мамлакат олимлари мате-риалшунослик, микроэлектроника, тиб-биёт, фармакология, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш со-ҳаларида илмий-техник ҳамкорлик бўйича кўп йиллик тажрибага эга. Бухородаги вилоят ўлқашунослик музейида XIX асрнинг машҳур венгер шарқшунос олими ва сайёҳи Арминий Вамбери шарафига ёдгор-лик лавҳаси ўрнатилган. Арминий Вамбери 1863 йилда Ўрта Осиёга са-фар қилиб Хива хонлиги, Бухоро амирлигида бўлган, Самарқандни зиёрат қилган. Саёҳатлари натижа-лари бўйича “Бухоро тарихи ёки Трансоксания қадим замонлардан то ҳозирги кунгача” ҳамда “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” номли асарларини ёзган.

2018 йилдан бери Венгрия ҳар йили Ўзбекистон фўқароларига ушбу мам-лакатдаги университетларда ўқиш учун стипендиялар тақдим этмоқда. 2021 йилдан бери ушбу стипендия-лар сони 150 тагача етди. Универси-

тетлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик “Erasmus” лойиҳалари доирасида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги Тиббиёт хо-димларининг касбий малакасини ри-вожлантириш маркази ва Земмель-вайс номидаги Будапешт тиббиёт уни-верситети ўртасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш масаласи ишлаб чиқилмоқда. Тошкент ва Будапешт шаҳарлари, Фарғона вилояти ва Дабаш шаҳри ўртасида биродарлик ришталари ўрна-тилди. Сурхондарё вилояти ҳокимли-ги ва Пештин вилояти мэрияси ўртаси-да амалий алоқалар йўлга қўйилган.

Жорий йилда ўтказилган Ҳукумат-лараро қўшма комиссиянинг йигили-ши доирасида Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзо-ланди. Ушбу келишувда ўзаро сайёҳ-лик оқимларини кўпайтириш учун қулай шaroитларни яратишга даъват этил-ган. Шуни ҳам қайд этиш керакки, 2018 йил февраль ойидан эътиборан Ўзбекистонда Венгрия фўқаролари учун соддалаштирилган виза режими амал қилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Венгрия ўзаро ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга интилмоқда. Бунга икки мамлакатнинг салмоқли салоҳияти, уни ҳаётга татбиқ этиш-дан муштарак манфаатдорлигининг мавжудлиги, ўзбек ва венгер халқла-ри ўртасидаги чуқур тарихий илдиз-ларга эга бўлган ўзаро ҳамкорлик ва самимий дўстона алоқалар бўйича тўпланган тажриба бўлиб ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Дунё» АА.

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЗОКАРАЛАР УЗОҚ МУДДАТЛИ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◀1 Унинг якунлари бўйича 2022 йилда Ўзбекистон Президентининг Будапештга жавоб ташрифини ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам янги туртки олди. 2020 йилда Венгрия Миллий Мажлиси (парламенти) ва Ўзбекистон Олий Мажлисида пар-ламентлараро дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари тузилди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги алоқалар тобора кен-гаймоқда. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳуку-матлараро комиссиясининг фаоли-ятини муваффақиятли деб таъйи-лаш мумкин. Жорий йил 4 май куни Тошкентда ҳукуматлараро комис-сиянинг 7-йигилиши бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича юқори технология-га асосланган ишлаб чиқаришнинг барпо этишга йўналтирилган қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги келишувга эри-шилди.

Ўзбекистон — Венгрия Ишби-лармонлар кенгаши ҳам савдо-иқтисодий, сармоявий ва техноло-гик ҳамкорлик бўйича янги лойи-ҳаларни ишлаб чиқиш билан фаол шуғуланмоқда.

Қувонarli хижати шундаки, сўнгги тўрт йил мобайнида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги товар айирбош-лаш ҳажми 3 баробар ошди.

Худудлараро ҳамкорлиқни ривож-лантиришга катта аҳамият берила-рди. Хусусан, икки мамлакатнинг Тошкент ва Пештен вилоятлари би-родарлашган шаҳарлар макони-га эга бўлди. Самарқанд ва Хайду-Би-хар, Жиззах ва Фейер ўртасида ше-риклик муносабатларини ўрнатиш масаласи ишлаб чиқилмоқда. Ҳозир-ги пайтда биринчи худудлараро фо-румни ташкил этиш масаласи кун тартибида турибди.

Маданий-гуманитар соҳада деле-гациялар алмашuvi мунтазам ра-вишда амалга оширилмоқда, деле-гациялар ҳар икки давлатда ўткази-ладиган турли халқаро маданий тadbирларда фаол қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз маданиятла-рини тадқиқ ва идрок этиш муҳим аҳамиятга эга. Лоранд Этвёш но-мидаги Будапешт университети про-фессори, Шарқшунослик институти директори Бенедек Пери билан ҳамкорликда Венгрия Фанлар ака-демияси кутубхонасида сақланаёт-ган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Венгер мутахассиси Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” асарини инглиз тилига, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” мемуарини венгер тили-га таржима қилмоқда.

Таълим соҳаси Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигининг истибқол-ли йўналишларидан бири ҳисобла-нади. Ўтган йилнинг июнь ойида Ўзбекистонга Венгриянинг турли олий ўқув юртлари раҳбарларидан иборат делегация келди. Унинг до-ирасида Ўзбекистон — Венгрия рек-торлар биринчи форуми ўтказилди.

Венгриянинг етакчи олий ўқув юртлари — Будапешт, Дебрецен, Сегед ва Земмельвайс универси-тетлари билан уларнинг филиалла-рини мамлакатимизда очиш, Ўзбе-

кистондаги олий таълим муассаса-ларининг профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш бўйича ҳамкор-лиқни кенгайтириш юзасидан фаол ишлар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, “Хунгарикум” дастури доирасида Венгрия ҳукума-ти томонидан ажратилган грант дастурига биноан ўзбекистонлик та-лабалар ушбу мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасаларида бепул ўқиш имкониятига эга бўлмоқда. 2021 йил сентябрь ойидан бошлаб мамлакатимиз учун тегишли квота-лар сони 100 тага етказилди. Бун-дан ташқари, 2022/2023 ўқув йилида докторантура босқичи учун қўшимча 50 ўрин, жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича 20 та ўрин ажра-тилди. Натижада умумий квоталар сони 170 тани ташкил қилмоқда.

Туризм соҳаси истибқолли йўна-лиш ҳисобланади. Бу тармок Вен-грия иқтисодиётининг муҳим йўналиш-ларидан бири бўлиб, мамлакат яли ички махсулоти (ЯИМ)нинг тахми-нан 10 фоизини қамраб олади. Ушбу соҳани ривожлантиришда Венгрия тажрибасини ўрганиш ва ундан фой-даланиш мақсадида 2022 йилнинг май ойида Туризм соҳасида ҳам-корлик тўғрисидаги битим имзолан-ди. Ушбу ҳужжат ўзаро сайёҳлар со-нини ошириш учун қулай шарт-ша-роитлар яратишга даъват этилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон авиа-ция соҳаси мутасаддилари Венгрия-нинг “ВизЭйр” авиакомпанияси би-лан тўғридан-тўғри ҳаво қатновла-рини йўлга қўйиш бўйича музока-ралар олиб бормоқда. Авиақатнов-ларнинг йўлга қўйилиши Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳаво қатно-вига нисбатан ортиб бораётган талабни қондиришга қўмақлашади. Икки давлат ўртасида йўловчи та-шиш ҳажмининг ортиши мамлакат-ларимиз сайёҳлик салоҳиятини намоён этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Кейинги йиллар давомида инно-вация ва илмий-техникавий соҳалар-даги ҳамкорлик янада жадаллашга-ни кузатишмоқда.

Венгрия томони билан иннова-циялар соҳасида қадрлар тайёрлаш жаҳасида муносабатларни ўрнатиш бўйича иш олиб боришмоқда. Венг-рия Илмий-тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар миллий бошқармаси билан биргаликда мутахассислар-нинг малакасини ошириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда, шу-нингдек, инновацион инфратўйилма-ни ривожлантириш, стартап лойиҳа-ларини, акселератор дастурларини, инкубаторлар ва технопаркларни қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба алмашти ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Илмий-техникавий ҳамкорлик доирасида икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасида ўзаро ҳам-корлик тўғрисида келишувлар мав-жуд. Ўзбекистон Фанлар академия-си Ядро физикаси институти ва Венгрия Фанлар академияси Ядро тадқиқотлари институти ўртасида илмий алоқаларни ўрнатиш устида иш олиб боришмоқда.

Томонлар минтакавий ҳамкорлик доирасида, жумладан, “Вишеград гу-руҳи — Марказий Осиё” мулоқот фор-матига ҳамда Европа Иттифоқи би-лан ўзаро ҳамкорлиқни чуқурлашти-риш бўйича салмоқли салоҳиятга эга.

Моҳият

ЖАҲОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДАГИ МУҲИМ МАНБА

Ўзбекистон давлати ўз ривожланиш йўлида нафақат халқнинг куч-қудратини қўллаб-қувватловига, балки дунё давлатларининг тажрибасини ўрганиш ҳамда татбиқ этишга ҳам таянмоқда. Албатта, ўзгалар тажрибасини ўзлаштириш ва қўллаш ўз-ўзидан бўлиб кетадиган иш эмас. Бу масалада зарур самарага эришиш учун жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтиришга ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа сифатида қаралмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистоннинг тарақ-киёт стратегияси” номли давстурий асарига тавора ан-гиланиб бораётган мамлака-тимизда жамият аъзолари-нинг дунёқарашини янгилаш, ҳуқуқий маданиятини юк-салтириш, умуминсоний қад-риятларга эътиқодини оши-риш каби вазифаларни ба-жариш янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим йўна-лиши эканлиги тўғрисида эътиборга молик гаплар айтилган.

Конституциявий ислохотлар арафасида турган Ўзбекистон учун ўзга давлатлар консти-туциявий ривожланишига эътибор қаратиш, дунё конституциялари янгиланиши ва ўзгаришини халққа ту-шуштириб бериш, уларни тақ-қослаш орқали зарур ҳулоса-лар қилиш кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва ма-даниятини юксалтириш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Шу маънода, академик А. Саидов раҳбарлигида тайёрланган “Жаҳон консти-туциялари” номли китобнинг Ўзбекистонда айнаи консти-туциявий ислохотлар амалга оширилаётган бир даврда чоп қилинган и ҳам рамзий сиёсий аҳамият касб этади.

Ўқувчи мазкур асарни ўқир экан, Конституцияни янгилаш-нинг заруриятлари нималар-дан иборат эканлиги тўғриси-да аниқ ва асосли жавоблар-га эга бўлади. Китобда ёзи-лишча, бугунги кунда дунёда дастлабки тахрирдаги консти-туциялар даярили қолмаган.

Ҳозирги кунда энг қадимий ҳисобланган конституциялар-га ҳам — АҚШда 27 та туб ўзгариш, Норвегияда 200 мартадан ортиқ, Нидер-ландияда 24 марта ўзгариш-лар киритилган. Сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида консти-туциявий ислохотлар амалга оширилган, 57 та давлатда янги Конституция қабул қилинган. Демак, Ўзбекистон-нинг конституциявий тарақ-қиёти умумҳалқон консти-туциявий ислохотлар йўлидан кетаётганлигига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Китоб муаллифлари Ўзбе-кистонда конституциявий ис-лохотларни амалга ошириш учун жаҳон тажрибаларидан ташқари объектив зарурият-лар ҳам мавжудлигини ало-ҳида таъкидлашади. Объектив заруриятлар қаторида глобал-

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

«АЁЛЛАР, БИЗНЕС ВА ҚОНУН» ИНДЕКСИДАГИ КЎРСАТКИЧЛАРИМИЗ НЕГА ЯХШИЛАНМАЯПТИ?

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” (Women, Business and the Law) индексида Ўзбекистоннинг ўрнини янада яхшилаш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2022 йил 23 августдаги Фармони-га асосан, Жаҳон банкининг бу индекси Ўзбекистон Респуб-ликаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индек-сар бўлиб қолди. 2022 йилда мазкур индексида 88,1 балл тўпلاш керак бўлса-да, бу борадаги кўрсаткич 2020 йилдан буён ўзгармасдан келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, йи-ғилишда шу каби камчилик-ларни бартараф этиш, мам-лакатимизнинг қатор рейтинг-ва индексларда ҳамда Жаҳон банкининг ушбу индексидаги ўрнини яхшилаш бўйича те-гишли чора-тадбирлар амал-га оширилиши кераклиги қайд этиб ўтилди. Хусусан, 2022 йилги маълумотлар ва баҳолаш методологиясини манфаатдор идора ва ташки-лотлар билан биргаликда тах-лил қилиш, шу йўналиш бўйича 2021-2022 йиллар давомида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатлов-дан ўтказиш, маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш ма-салалари муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Хар бир кўрсаткич аёнинг карьерасидаги алоҳида бос-қични ифодалайди. Методика тадбирларини ва ҳодимлар сифатида аёллар учун ҳуқуқий муҳитнинг осон тақдорлани-дан ўлчови сифатида ишлаб чиқилган.

Индекс маълумотлари оила, меҳнат, жиноят қонун-чилиги бўйича малакали рес-пондентларнинг фикр-мулоҳа-залари асосида янгиланиб борилади.

«Халқ сўзи».

«Дунё» АА.

Будапешт

Сенатор ва ҳаёт

МУАММОЛАР
ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН
ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ
БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров фуқаролар қабулини ўтказди.

Қабулда Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларидан ҳамда Тошкент шаҳридан 40 дан ортиқ фуқаро иштирок этди.

Мулоқот давомида 18 нафар фуқарога муаммолар ечими юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Айни чоғда 22 нафар фуқаро мурожаатлари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун нормалари асосида қабул қилиниб, тегишли тартибда расмийлаштирилди ҳамда қўмита назоратига олинди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини ичимлик суви, моддий таъминот, йўлларни таъмирлаш, уй-жой билан таъминлаш, ишга тиклаш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги, одил судловни амалга ошириш каби масалалар ташкил этди.

Яқунда барча мурожаатни тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиш юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳудудлардаги масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

МУРОЖААТЛАРНИ
ЎРГАНИШ ВА
ИЖОБИЙ
ҲАЛ ҚИЛИШ
ЗАРУР

Яқунда Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р. Сиддиқов Жиззах вилоятида бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари, секторлар раҳбарлари ва туман фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Унда Самарқандда ўтган ШХТ саммитининг тарихий аҳамияти ҳамда Сенатнинг ўттиз йиллик ички мажлисида қўрилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг бугунги кунда тутган ўрни атрофида оғиб берилди.

Бундан ташқари, жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга оид ишлар ҳолати, жойларга бириктирилган элчилар ташаббуси билан илгари сурилган лойиҳаларнинг ижроси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар кенг таҳлил қилинди. Айни чоғда юзгага келган муаммоларни ҳал этиш юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, Жиззах вилоятида жорий йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш борасида амалга оширилган ишлар кенг муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, 234,1 минг кишини доимий ва мавсумий ишларга жалб этиш бўйича комплекслар, шаҳар ва туманлар кесимида ойма-ой прогност кўрсаткичлари шакллантирилган. 7 574 ишсиз фуқарони меҳнат бозорига талаб юқори бўлган 22 та касб бўйича ўқитиш режалаштирилган. Шу мақсадда Жиззах шаҳрида битта “Ишга марҳамат” мономаркази ҳамда 2 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази ташкил этилган.

Банд бўлмаган аҳоли йўлланмалар асосида ўқишга йўналтирилмоқда. Хусусан, меҳнат органлари йўлланмалари асосида 2022 йилнинг январь — май ойлари давомида 8 255 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро касб-ҳунарга ўқитишга жалб этилган.

Қолаверса, Дўстлик тумани бўйича меҳнат миграциясидан қайтиб келган 532 нафар фуқародан 460 нафарининг бандлиги таъминланган.

Ўз навбатида, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида жорий йилнинг январь — август ойларида яратилган 4 170 та янги иш ўрнига фуқаролар ишга қабул қилинган ҳамда бу ҳолат солиқ органлари маълумотлар базасида тўлиқ акс эттирилган.

Сенатор вилоятга хизмат сафари давомида Жиззах шаҳри, Арнасой, Пахтакор, Ш. Рашидов, Зомин, Янгибод туманлари масъуллари, секторлар раҳбарлари билан ҳамкорликда сайёр қабуллар ўтказди.

Қабуллар жараёнида 35 га яқин фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилди ва уларни ҳал этиш чораси қўрилди. Мухими, шу жараёнда фуқароларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотиغا тааллуқли мурожаатлар жойда ҳал этилди. Қолган мурожаатларни ўрганиш, чуқур таҳлил этиш ва ижобий ечим топиш бўйича масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси Магистратура бўлими бошлиғи, тарих фанлари номзоди, доцент Шавкат Саидовга онаси

Олия БОБОВЕЯНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бугун дунё мамлакатлари олдига турган энг долзарб вазифалардан биридир. Негаки, дунёнинг турли бурчакларида мижозларнинг пайдо бўлиши ва кучайиши пандемия оқибатларидан тикланишга улгурмаган халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни беқарорлаштирмоқда. Озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигини таъминлаш муаммолари янада оғир тус олаётир.

Президент Шавкат Мирзиёев деярли ҳар бир чиқишида, йирик халқаро ва минтақавий тадбирларда ҳам жаҳон жамоатчилиги эътиборини маъмур муаммога қаратаётгани бежиз эмас. ШХТнинг Самарқанд саммити



Глобал муаммога айланиб бораётган озиқ-овқат тизимидаги ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш таклиф этилди. Бу ўз вақтида ва муҳим аҳамиятга молик ташаббус бўлди, деб ўйлайман. Зеро, БМТ ҳам бугун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидлаётти. Ахир иш тўғри йўлга қўйилса, қишлоқ, ўрмон ва балқичилик хўжаликлари барчани озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш ва одамлар учун рисоладагидек даромад манбаини яратиш беришга қодир. Боз устига, бундай ҳолатда инсон манфаатларини йўлида ҳам қишлоқ хўжалиги ривожланади, ҳам атроф-муҳити муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ижроси таъминланади.

Шавкат Мирзиёевнинг куюнчақлик билан илгари сураётган таклифларининг ўзига яраша сабаблари бор. Гап шундаки, бугунги кунда табиатга бефарқ муносабат, унга антропоген таъсирнинг кучайиб бориши, исрофгарчилик, илгор ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг ўсаётгани, иқлим ўзгаришлари қатор салбий омилларини келтириб чиқаряпти. Ноз-неъматлар, чучук сув, умомлар, ўрмонлар, биологик хилмаҳлик кескин суръатларда камайиб бормоқда, ер унумдорлиги пасайиб, тупроқ деградацияга учраётир. Оқибатда БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жаҳон аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғи оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу рақам 2 миллиард қилишга етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқаётир.

Қолаверса, сайёрамиздаги ҳар тўрт боланинг бир нафари ўз ёшига нисбатан ўсмай қолгани аниқланган. Мактаб ёшидаги 66 миллион ўғил-қиз дарсларга оч-наҳор келиши аниқланган. Шулардан 25 миллиони Африкада истиқомат қилади.

Масаланинг яна бир жиҳати: қишлоқ хўжалиги дунёдаги энг катта иш берувчи тармоқдир. Бугун қурайин замин аҳолисининг 40 фоизи айнан шу соҳа ортдан тирикчилик қилади. Бу қашшоқ қишлоқлардаги оилалар учун даромад келтирувчи ва бандлигини таъминловчи асосий манбадир. Ривожланаётган мамлакатларда 5 миллионга кичик фермер хўжалиги озиқ-овқатнинг 80 фоизини етказиб беради. Шундай экан, маъмур жаҳонга инвестиция киритиш аҳоли қатламлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қаторида маҳаллани ва ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш бўйича мамлакатлар имкониятларини оширади.

БМТ статистикасига кўра, дунёда ҳар йили қарийб 4 миллиард тонна озиқ-

ҳам бундан мустасно бўлмади. Ушбу тадбирда Шавкат Мирзиёев “Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамайдан, ШХТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиқатлиқни йўлга қўя олмадик. Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларини бошқилик этиш, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўлишимиз керак”, дея таъкидлади.

Айни чоғда соҳани янада ривожлантириш, фермерлар даромадини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш борасида фойдаланилмайётган бир қатор имкониятлар мавжуд. 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга

солиқ ва бошқа имтиёзлар, преференциялар берилган эди. Натижада давлатнинг миллиард сўмлаб маблағлари сарфланарди. Лекин бу амалиёт ўзини оқламади. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти айрим субъектлар томонидан монополияга айлантирилди. Хориждан келтирилаётган шаклар, қанд, ўсимлик ёғлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ички бозорда қўпайиши ҳамда нарх-наво пасайиши ўрнига акси бўлди.

Фармонга кўра, 2018 йил 1 февралдан бошлаб озиқ-овқат товарлари импорти учун бериладиган барча имтиёз ва преференциялар бекор қилинди. Пировадиди истеъмол товарлари республика товар-хонашў биржаларида сотилмоқда. Умуман олганда, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини пасайтириш, сифат ва хавфсизлигини таъминлаш, чайқовчилик ҳолатларига чек қўйиш, бюрократияни бартараф этиш, хорижий инвесторлар ва ҳамкорлар билан мунтазам мулоқот ва ҳамкорлиқни



Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда 3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди. Ялпи ички маҳсулотда тармоқ улуши 32 фоизга тенг бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 фоизини эгаллайди. Ҳозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари 80 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинаётгани диққатга сазовор, албатта.

мўлжалланган стратегияси шу нуқтаи назардан долзарбдир.

Сир эмаски, Ўзбекистонда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш, эҳтиёж катта бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишдаги тўсиқлар, носоғлом рақобат, айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан импорт маҳсулотларининг монополиялаштирилиши, нарх-навоининг сунъий оширилиши, тақчилликнинг юзгага келиши каби бир қатор муаммолар мавжуд эди. Юқоридаги Фармоннинг ҳаётга татбиқ этилиши бу ерда бозорларнинг сифатли, арзон ва хавфсиз озиқ-овқатлар билан тўлдириш, аҳолининг хараид имкониятларини мустаҳкамлаш, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш имконини берди.

Кўпчиликка маълумки, айрим хўжалик юритувчи субъектларга озиқ-овқат товарларини хориждан импорт қилиш бўйича бир қатор индивидуал, боғжона,

йўлга қўйиш борасидаги барча муаммо ва сунъий говларга чек қўйилмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги тизимида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва шу орқали таннархни изчил пасайтириш, миллий маҳсулотларнинг импорт товарларга нисбатан ҳам нарх, ҳам сифат устунчилигини сақлаб қолиш, аҳоли истеъмол харажатлари таркибиде озиқ-овқат маҳсулотларининг оптимал улушини таъминлаш, бу борада нархларнинг турли омиллар таъсирида кескин тебранишига йўл қўймаслик сиёсати олиб борилаётир. Бундан ташқари, ташқи савдо сиёсатида, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасидаги ижобий балансини таъминлашга эришилмоқдаки, бу бошқа стратегик секторлардаги каби бир томондан, мамлакатнинг ташқи босимларга бардошлилигини оширмоқда, иккинчи томондан, ноқулай бозор конъюнктураси шароитида ҳам мамлакат ўзининг миллий озиқ-овқат хавфсизлиги салоҳиятини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлмоқда.

Игорь МАКСИМЦЕВ,
Россиянинг Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, академики.

ҳамда аҳолининг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини бундан-да юксалтириш, театр, музика, хореография, эстрада ва цирк санъатини янада ривожлантириш мақсадида Маданият вазирлигига 727,9 млрд. сўм ажратилиши белгиланган.

Бу борада жорий йилда Маданият вазирлиги томонидан маданият марказлари ҳамда болалар музика ва санъат мактабларида тегишли йўналишларда 3,3 мингта тўғарақ фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган бўлиб, шундан биринчи ярим йиллик учун тасдиқланган, аниқланган режа ва унинг ижроси 1,0 минг нафарни ташкил қилмоқда.

Йўналишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида қўмита ҳамда мутасадди вазирлиқлар билан амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Яқунда кун тартибидеги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ВАЗИРЛИКЛАР АХБОРОТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан бир қатор вазирлик ҳамда идораларнинг “2022 йил учун бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлар ижроси бўйича амалга оширилган ишлари тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Эшитув

Ушбу масалалар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мақтабча таълим, Маданият, Спортни ривожлантириш, Туризм ва маданий мерос вазирликлари ҳамда бошқа идоралар мутасаддилари ахборот берди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги тегишли қарориди 40 та вазирлик ва идоранинг 2022 — 2024 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ

118 та ривожлантириш дастурининг мақсадли индикаторлари тасдиқланган. Маъмур индикаторларнинг баҳариллиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида эшитиб бориш тавсия этилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотига кўра, 2022 йил режавий кўрсаткичида вазирликка 4 146 610,7 млн. сўм, вазирлик ва унинг

тасарруфигада муассасалар учун жорий йилда республика бюджетидан 2 724 591,5 млн. сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллик харажатлар сметаси ҳисобот даври давомида вазирлиқнинг бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағларга киритилган ўзгаришлар билан 1 380 801,5 млн. сўм микдориде тасдиқланган.

Ҳисобот даврида ажратилган маблағларни ўзлаштириш ҳолати “UzASBO” дастури орқали таҳлил қилинганда, амалга оширилган жами харажатлар микдори 978 775,1 млн. сўмин ташкил этган. Касса харажатлари режага нисбатан жами 402 026,4 млн. сўмга кам баҳариланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 14 222 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.43 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Муасхўх — Ш. Машраббев.